

Ўз беморларига Қуръонни ўқиб берадиган суданлик жарроҳ БМТ мукофотига сазовор бўлди



14:00 / 15.10.2018 3323

Ўзи католик бўлса-да, беморларига Қуръон ва Инжилни ўқиб берадиган суданлик жарроҳ БМТ мукофотига сазовор бўлди. Бу ҳақда islam-today.ru нашри хабар берди. Юксак мукофотга Жанубий Суданнинг Юқори Нил провинциясидаги Бунж шаҳри Мабан шифохонаси шифокорб Эван Атар Адаха лойиқ кўрилди.

Диний эътиқод беморларга ёрдам беришига шифокорнинг ўзи ишонч ҳосил қилган, шунинг учун у анестезия қилишдан аввал беморларга мажусийлар ва муслмонларнинг муқаддас китобларидан парчаларни ўқиб беради.

Хабарда айтилишича, шифохонада бу эркак шифокор йигирма йилдан бери ишлаб келади ва бу вақт давомида янги ташкил топган Судан ва Жанубий Судан мамлакатларидаги фуқаролик уруши ва фалокатлар оқибатида кўплаб қурбонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришди.

«Менинг камтарона хизматимга шундай улкан мукофот берилганидан кўп таъсирландим. Ушбу мукофотга маълум бир пул маблағи берилиши ҳам айна муддао бўлди, биз уларни албатта шифохонамизнинг бирламчи эҳтиёжларига ишлатамиз», – дейди жарроҳ мукофотни олиш чоғида.

***Islom.uz* портали таҳририяти**